

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 7-10/с

2022 йил « 21 » « 10 »

Зафаробод тумани

“Қишлоқ қурилиш инвест” маъсуляти чекланган жамияти инжиниринг компанияси келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб ҳамда Низомга асосан иш юритувчи номидан директор О.Эркаев бир томондан ва «Бунёдкор сув таъминот» маъсуляти чекланган жамияти кейинги уринларда «Пудратчи» деб аталиб ҳамда Низомга асосан иш юритувчи номидан раҳбар У.Каримов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини қуйидагиларга асосан тuzдилар.

I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар кулланилади: ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

Қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади.

Вактинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар.

Беркитиладиган ишлар - сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини булиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқични ва (ёки) турлари қийматини аник белгилаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга таксимлаш.

II. Шартнома мавзуси.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан **Жиззах вилояти Зафаробод тумани “Бўстон” МФЙ “Бўстон” массивида тадбиркорлик субъектлари томонидан қурилаётган кўп қаватли уй-жойларнинг ичимлик суви тармоғи қурилиши** объекти буйича лойиха ҳужжатларида кузда тутилган объектни тайёр ҳолда қуриш буйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

3. Буюртмачи пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома буйича ишлар қиймати.

4. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, эркин савдоси (e-tender.uzex) натижасида аникланган тендер комиссиясининг қарори (2022 йил "14" октябрдаги ЛОТ № 160890-сонли баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати, йигимлар ва ажратмаларни уз ичига олган ҳолда, жорий нархларда жами **Жиззах вилояти Зафаробод тумани “Бўстон” МФЙ “Бўстон” массивида тадбиркорлик субъектлари томонидан қурилаётган кўп қаватли уй-жойларнинг ичимлик суви тармоғи қурилиши 31 948 043 (Ўттиз бир миллион тўққиз юз қирқ сақиз минг қирқ уч) сўмни** ташкил этади. (Пудратчи умумий солиқ туловчиси)

5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас. Қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш муддатини қупайтиришга енгиб булмайдиган қуч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;
- объектнинг қурилиши бир йилдан ортқика узгартирилганда.

6. Курилиш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Тегишли асослар мавжуд булганда санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага кушимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари.

8. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучи ва (ёки) жалб килинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;
- I иловага мувофик курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, жихозлар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;
- курилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар куриш;
- бош пудратчи субподрядчилар билан шартнома тузишда буюртмачи билан келишган холда шартнома тузиши шарт;
- курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф-мухитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза килиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек, ёритиш чирокларини урнатиш;
- ишчиларни маданий дам олишлари учун шароит яратиш бериш ва иссик овкат билан таъминлаш;
- курилиш таваккалчиликларини сугурта килиш;
- мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;
- курилиш майдонини куриклашни таъминлаш;
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

9. Пудратчи хар хисобот ойнинг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида Буюртмачига хисобот топшириши лозим.

10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларни уз кучи билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни топшириш учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

-Пудратчи лойиха-смета хужжатларига буюртмачи ва лойихачи ташкилотнинг рухсатисиз узгартириш киритмайди. Агарда уз хохиши билан узгартирган тақдирда Буюртмачи мажбуриятни уз зиммасига олмайди.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

11. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- Лойиха смета хужжатларига буюртма беради. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага (1-иловага) мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунча булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;
- Пудратчининг барча мурожаатларини 10 кун муддатда куриб чиқиш ва карор кабул килиш;
- Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб икки ой давомида Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур булган ижро хужжатлари руйхатини тақдим этиш;
- Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади;

12. Агар пудратчи томонидан ҳар ҳисобот ойнаи 25 санагача бажарилган ишлар тугрисида ҳисоботи топширилмаса, Буюртмачи бажарилган қурилиш монтаж ишларини молиялаштирмайди. Ушбу шартноманинг 3-илоvasи бажарилмайди.

VI. Ишларни бажариш муддатлари

13. Шартнома: миллий валюта «сумда» узаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

14. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уз айланма маблағлари ҳисобидан ишларни бажаришга киришади.

15. Эркин танлов (тендер) савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг фойдаланишга топшириш муддати 2022 йил 30 декабргача этиб белгилансин.

16. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар

17. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдоридан, дастлабки икки ойга тенг улушларга (ойига 15 фоиздан) булган ҳолда аванс утказилади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (3-илова).

19. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, ҳар ойда ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизгача тулов амалга оширилади.

- Мазкур шартномада белгиланган объектнинг 5 фоизлик маблағи қафолат муддати тамом булгандан кейин амалга оширилади.

20. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектни тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

21. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича уз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун (молиялаштириш йилида) мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага узгартиришлар киритиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озод қилинмайди.

- Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тулов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

VIII. Ишларни бажариш

22. Буюртмачи қурилиш майдонида уз вақилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек, Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

23. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

24. Пудратчи техник-аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник-аудитор Пудратчи томонидан утказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайда булувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

25. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида қурсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

26. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини Давлат архитектура-назорати органлари билан қилишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

27. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

28. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги ҳужжатларни беради.

29. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кунда бошлаб 3 (уч) кун муддатда курилиш майдонини белгилаш буйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларни координатлари ва баландлик белгиларини такдим этади.

30. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек, баландлик белгилари, улчамлари ва булиш уқларининг мувофиқлиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни уз ҳисобидан амалга оширади.

31. Пудратчи геодезия ишларида урнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин далолатнома буйича Буюртмачига беради.

32. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади. Пудратчи коммуникация объектларини фойдаланувчи тегишли корхоналарга топширади.

33. Пудратчи узи томонидан қурилишда қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларга, техник шартларга мувофиқ булишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга булишини қафолатлайди.

34. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр булишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

35. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишлар тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишилган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

36. Пудратчи Буюртмачининг ишларини бажариш дафтарига киритилган ёзма рұхсатномасидан кейин ишларни бажаришга киришади.

37. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилмаган бўлса ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби буйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини уз ҳисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

38. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз қучлари билан ва қурилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

39. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди.

40. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтариини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқии тугрисидаги маълумотлар, шунингдек, қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган қамчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. Ишларни куриклаш.

41. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллангунгача ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тусилган курилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада курикланишини таъминлайди.

42. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек, материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб булмайдиган куч (Форс-мажор) ҳолатлари.

43. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

44. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари 1 ойдан қуш вақтга қузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай қоралар курилишини муҳокама қиладилар.

45. Агар томонлар 2 ой ичида келиша олмасалар у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш.

46. Курилиши тугулланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

47. Объектларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчи Буюртмачига ёзма билдиришнома ва иншоатларни фойдаланишга қабул қилиш ишчи гуруҳ далолатномасини беради.

Буюртмачи куриилши тугалланган объектни Давлат қабул комиссияси иштирокида қабул қилиб олади.

48. Пудратчи курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда 2 (икки) нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

49. Иншоат Давлат қабул комиссияси томонидан расмий фойдаланишга қабул қилинган кейин Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар.

50. Пудратчи:

барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда курилиш меёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

узи томонидан курилиш учун қулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида қурсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган қамчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

51. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар курилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб қамида 12 ой этиб белгиланади.

52. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улдар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда

кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг уз хисоби билан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII булимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилиш назорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужалик судига муурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш.

54. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан 1 ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан 1 ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жалвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб қўладиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

55. Пудратчи: ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан 1 ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

56. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига қура тугалланмаган қурилиш 1 ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

57. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида-сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

58. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

59. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

-Пудратчи томонидан ушбу шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда буюртмачи томонидан шартномани қонунда белгиланган тартибда бекор қилиб, объектни бошқа пудратчига бериш бўйича тақлиф беради.

XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги.

60. Томонлардан бири шартномада мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси тугрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

61. Мазкур шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

62. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тулайди.

63. Пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш буйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

64. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортиши, шунингдек, Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

65. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томониккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

66. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби.

67. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жиззах вилоят иқтисодий суди томонидан қўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар.

68. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро қелишувлари уз қучини йукотади. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рұхсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

69. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сонли қарори низомининг 4-илова 8 бўлим 43-бандига асосан жихозлар, бутловчи бўюмларнинг давлат стандарти талабларига жавоб бериши ва сифати учун тузилган комиссия иштирокида мониторинг урнатилади ва комиссия ҳулосасига қуръа бутлашга рұхсат берилади.

70. Буюртмачи ва пудратчи, бош пудратчи ва субпудратчилар, лойиха ташкилотлари ва асбоб-усқуналар, қурилиш материаллари ва конструкцияларини етказиб берувчилар уртасидаги муносабатлар воситачи ташкилотлар ва бошқа оралик бугинларнинг иштирокисиз фақат шартнома асосида қурилади.

Бунда ҳам моддий-техника ресурсларини узаро берган ҳолда, ҳам улар берилмаган ҳолда субпудрат ташкилотлар томонидан ишларнинг бажарилиши битта объект қурилиши доирасида воситасининг иши ҳамда моддий-техника ресурсларини ташқарига реализация қилиш деб ҳисобланмайди. Бош пудратчининг розилигига асосан тулов амалга оширилади.

71. Субпудратчилар ва етказиб берувчилар (ишлаб чиқарувчилар)ни танлаш бош пудратчи томонидан танлов савдолари натижалари буйича тузилган бош шартнома буйича мажбуриятлар сақланиб қолиниши шарт билан мустақил амалга оширилади.

72. Мазкур шартномага барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаб Ғазначилик оргинидан рұйхатдан утгазилгандан кейин, ҳақиқий ҳисобланади.

73. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган хар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиклаши керак.

74. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тулашни кечиктиришга хаклидир.

75. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кулланилади.

-Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Жиззах вилоят Молия бошкармасидан руйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал килади.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

ПУДРАТЧИ:

«БУНЁДКОР СУВ ТАЪМИНОТ»
масулияти чекланган жамияти

Жиззах шаҳри Зилол маҳалласи
Гулобод куча 9 уй
Тел: 99 771-21-38
Х/р: 20208000500725498001
АТИБ Ипотека банк
Жиззах вилоят филиали
МФО: 00122 ИНН:304546614
ОКОНХ:



У.Каримов
(ФИШ)

БУЮРТМАЧИ:

«Қишлоқ курилиш инвест» масъулияти
чекланган жамияти инжиниринг
компанияси Жиззах вилояти филиали
Жиззах ш. А.Навоий кўчаси 2 уй.

ш/хв: 301121860084017063201110137
АТБ «Қишлоқ курилиш банк»
Жиззах минтакавий филиали
МФО: 01037 ИНН: 301291517
ОКОНХ: 61133



О. Эркаев
(ФИШ)

Ушбу шартнома 2 (икки) нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эгадир.

ХУКУКИЙ ХУЛОСА:

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги Конунининг 21-моддаси талаблари асосида тузилган. Экспертиза хулосасига асосан шартнома шартларининг мослиги ва унда тарафларнинг жавобгарлиги ҳамда низоларнинг хал этилиши тартиби амалдаги конунчиликка мослиги маълум булди.

Хукукий экспертиза натижасига кура куйдагилар аникланди:

1. Шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунлари талабларига мувофик тузилган. Такдим этилаётган пудрат шартномаси шартлари конунчилик талабларига жавоб беради. Шартнома буйича юзага келган хар кандай холат Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 631-655, 666-685-моддалари ҳамда «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги Конуннинг 10,11-моддалари билан тартибга солинади.

2. Шартнома буйича тарафларнинг уз мажбурятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги окибатида юзага келадиган жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги Конуннинг 24-34, 36-моддалари талабларига мос келади.

«Қишлоқ курилиш инвест» масъулияти
чекланган жамияти инжиниринг
компанияси Жиззах вилояти филиали
бош юристконсульти

Хамидов Х.



ТАСДИҚЛАЙМАН”
 “Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК
 Жиззах филиали директори
 О.Эркаев
 10 2022 й.

“Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК Жиззах вилояти филиали учун бюджет маблағлари хисобидан (ишлар, хизматлар) ларини харид қилиш бўйича танлов ўтказиш комиссиясининг

Мажлис баённомаси № 1/5

2022 йил

Жиззах шаҳри.

“Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК Жиззах вилояти филиалининг бошлиғи О.Ў. Эркаев, 2022 йил “12” майдаги 18 и/ч -сонли буйруғи билан тасдиқланган комиссияси аъзолари қуйидаги таркибда

Қатнашдилар: КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ

- | | |
|---------------|--|
| О.Эркаев | - “Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК Жиззах вилояти филиали директори, эркин савдо комиссияси раиси;
Эркин савдо комиссияси аъзолари: |
| О.Очилов | - филиали бош муҳандиси |
| Х.Темуров | - бош ҳисобчи |
| М.Муродуллаев | - лойиха кидирув ишлари ва қурилишни техник назорат қилиш бўлими бошлиғи |
| Ў.Турғунбоев | - лойиха кидирув ишлари ва қурилишни техник назорат қилиш мутахассиси |
| Э.Турсунов | - Йўл ва канализациямутахассиси |

Қуп тартиби:

1. “Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК Жиззах вилояти филиалининг маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ни харид қилиш (бажариш) бўйича махсус ахборот порталида 14.10.2022 йилда № 160890 –сонли Зафаробод тумани “Бўстон” МФИда тадбиркорлик субектлари томонидан қурилаётган уй-жойларнинг ичимлик суви қурилиши бўйича электрон танлов мажлис баёни юзасидан келиб тушган этирозлар бўйича.

“Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК Жиззах вилояти филиали учун товар (ишлар, хизматлар) ларини харид қилиш (бажариш) бўйича иштирок этган дъвогар ташкилотлар ва уларга умумий баллар

№	Товар (иш, хизмат) нинг номи	Ўлчов бирлиги	Сони (миқдори)	Бошланғич нархи	“BUNYODKOR SUV TA'MINOT” MCHJ		Architects Project Group MCHJ			
					Таклиф этган нархи	Умумий балл	Таклиф этган нархи	Умумий балл		
1	Зафаробод тумани “Бўстон” МФИда қурилаётган уй-жойларнинг ичимлик суви қурилиши	хизмат	1	32095188	31948043	100	32000000	63.9		
	Жами:			32095188	31948043	100	32000000	63.9		


14.10.2022 йилда № 160890-сонли Зафаробод тумани “Бўстон” МФИда тадбиркорлик субектлари томонидан қурилаётган уй-жойларнинг ичимлик суви қурилиши бўйича ўтказилан электрон танлов мажлис баёни юзасидан 16.10.2022 йил соат 15:00 га қадар талабгорлар томонидан ҳеч қанақа ёзма ёки оғзаки этироз ёки мурожатлар келиб тушмади.


Комиссия Зафаробод тумани “Бўстон” МФИда тадбиркорлик субектлари томонидан қурилаётган уй-жойларнинг ичимлик суви қурилиши учун ўтказилан электрон танлов бўйича

Қарор қилади:


“Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК Жиззах вилояти филиали тасаруфидаги Зафаробод тумани “Бўстон” МФЙда тадбиркорлик субъектлари томонидан қурилаётган уй-жойларнинг ичимлик суви қурилиши учун электрон тарзда ўтказилган танловда жами 100 балл билан ғолиб бўлган “Бунёдкор сув таъминот” МЧЖ билан шартнома имзоланиб, Ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказилсин.

О.Очилов 

Х.Темуров 

М.Муродуллаев 

Ў.Турғунбоев 

Э.Турсунов 

№	Танловнинг номи	Ҳужжатнинг рақами	Ҳужжатнинг санаи	Ҳужжатнинг тарихи	Ҳужжатнинг ҳолати	Ҳужжатнинг қилинган вақти	Ҳужжатнинг қилинган жойи
1	“Бунёдкор сув таъминот” МЧЖ билан шартнома имзоланиб, Ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказилсин.	100	100	100	100	100	100